Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 93 (6983). 19 май, 1979 йил ШАНБА Баҳоси 2 тийин.

ҲАР ТУП ҒЎЗАНИ АРДОҚЛАБ...

Турсунбой Мирсолиевни Дзержинский номли колхозларда эмас район деҳқонлари яхши танишади. У дастлаб маккажўхори етиштиришда довг таратди. Гектаридан 80 центнердан «қаҳрабо дон» олиб, сафдошларига ўрнак кўрсатди.

Кўп ўтмай қолоқ бригадага бошлиқ қилиб тайинланди. Турсунбойнинг ўзи тракторчи эмасми, пахта майдонларини кезиб чиқиб, пайкалга қандай ишлов бериш зарурлигини аниқлади. Паст-баланд ерларни текислади, ориқ ерларга чиринди, гўнг-маҳаллий ўғит солинди. Меҳр билан парвариш қилиниши натижасида пахта майдонларида ғўза гуркираб ўсди. Натижада бригада аъзолари пландаги 27,5 центнер ўрнига 32 центнердан ҳосил топширдилар.

Шу билан бирга 17 гектар ерга жўхори ҳам экилган эди. Унинг ҳар гектаридан 80 центнердан дон, 500 центнердан силос олинди.

Бу йил бригада аъзоларининг аҳдлари яна ҳам юксак. Улар 40 центнерлик ҳосил учун курашни кучайтириб юборганлар. Маккажўхоридан эса 100 центнердан дон олинади.

Шунингдек, райондаги «Победа» колхозининг Тўрабек Бобоев бошлиқ бригаласи ҳам илгор коллективлардан бири ҳисобланади. Бу бригадада 85 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» етиштирилади. Шу кунларда ғўза пайкалларида культивация қизғин. Бригаданинг ишчан тракторчиси Холиқберди Абдуғаффоров кунига 7—8 гектар майдондаги ғўза ниҳолларига сифатли ишлов бермоқда.

Тожибой Эрназаров, Пирим Эшбоев сингари миришкор деҳқонлар ғўза парваришида бошқаларга ўрнак кўрсатиб ишламоқдалар.

А. ҲАЙДАРОВ,
Бекобод райони.

ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ ЕНГИБ

Баҳорги об-ҳаво серёғин келганлиги ҳаммага маълум. Белгиланган нормадан чуқурроқ экилган чигитнинг айрим қисми чириб бошлади. Саёз экилганини эса ёғингарчилик ювиб кетди. Қаттиқ назорат остига олиниб, агротехника талабига биноан экилган уруг текис ундириб олинди.

Совхозимиз деҳқонлари ҳам ўнинчи беш йилликнинг тўртинчи йилида 3000 гектар майдонга «барака уруғи» қадаган эдилар. Чигитнин текис ундириб олиш ниятида барча агротехника тадбирларини тўла амалга оширдик. Бэрибир ўзар табиат инжиқлик қилди. Апрель ойининг охирлари ва май ойининг бошларида сўлиб ўтган кучли ёғингарчилик натижасида кўпчилик майдонни қатқалоқ қоплади.

Ғўзанинг ҳавфли душмани бўлган қатқалоқни йўқотиш зарур эди. Барча ишчи кучи ва мавжуд техникани далага тўла сафарбар этдик. Мавжуд 58 та культиваторга юдузча, «РОР» ва бошқа механизмлар ўрнатилди. Қўл билан ишлаш учун чўкич-кетмончадан фойдаланилди. Ер етилиши билан ишга киришдик. Натижада қисқа муддатда қатқалоқ йўқотилди.

Яқинда районимиз ва совхозимиз мутахассислари билан биргаликда барча майдонлар кўздан кечирилди. Маслаҳатга биноан кўчати нотекис бўлган 100 гектардан ортиқроқ майдон бузилиб, қайта чигит экилди. Қатқалоққа қарши курашда рағбатлантириш жуда қўл келди. Культивациянинг сифатли ўтказилишини таъминлаган механизаторлар қимматбаҳо буюм ва пул мукофотлари олишга сазовор бўлдилар.

Ҳозир янада мураккаб тадбирларни амалга ошираяпмиз. Чунки, қатқалоқ юмшатилиб, дастлабки культивация тугатилиши билан иш битгани йўқ. Тажрибага кўра, гербицид билан экилган майдондаги ғўза ҳозир ёрдамга муҳтож. Ўта намгарчилик сабабли гербицид айрим ғўзаларга таъсир қилди. Бунинг учун бир қатор зарур чораларни қўлляпмиз.

Деҳқончасига айтганда, ёғингарчиликдан пайдо бўлган нам ғўзага захлик қилаяпти. Захни қочириб, сўнгра тупроқни қиздириш мақсадида ер шароитига қараб енгил сув тараймиз. Ер етилиши билан дарҳол культивация қилинади.

Айримлар «у ер-бу ерда ғўза сўлиб қолаяпти» деб ваҳима қилишаяпти. Чунки, ёмғир захига қадалган илдиз нарига ўтолмаяпти. Илдизларнинг ён томонидан қўшимчаси чиқади ва ғўза яна жонланиб кетади. Бу тажрибада кўп синалган.

Биз енгил сув тарашни қирлик зонадан бошлашни келишиб олдик. Сувчиларнинг икки сменада ишлашини таъминлаймиз. Имкониятга қараб 3—4 нафар сувчидан иборат группа ташкил этдик. Илгорларни рағбатлантириш доим эътиборимизда бўлади. Биринчи сув тараш тугагач, совхоз бўйича мусобақага якун ясалади.

Ҳозиргача ариқ ва йўл четлари, дарахт ва симёғоч атрофларини текислаб, қўлда чигит экиб чиқдик. Ҳар бир эгатдаги кўчатнинг текис бўлиши кузатилди. Унмай қолган уяларга қўлда уруг ташланди. Ана шу усул билан бир квадрат метр жойда 13—14 туп кўчат бўлишини таъминлаймиз. Пахта йиғим-терими бошлангунга қадар ҳар гекларда, айниқса, иш пухта минг туп кўчат сақлаб қоламиз.

Совхозимиздаги С. Искандаров, А. Пашалиев, С. Бурнев, У. Бусинов бошқарувчилик қилаётган бўлимларда, айниқсо, иш пухта ташкил этилган. И. Эсаев, М. Худоёров, Д. Розиқов, Қ. Турсунқулов ўртоқлар стакчи бўлган бригадаларнинг деҳқонлари ҳам пахтачиликдаги бой тажрибаларини ишга солиб, мўл ҳосил тўпламоқдалар.

Ҳар туп ниҳолни асрабавайлаш ишчилар ва механизаторларнинг диққат-марказида турибди. Уларнинг фикри-зикри қалб кўри билан ундириб олинган ғўзани серҳосил қилиб ўстиришга қаратилган. Шу зайлда иш юритиб, деҳқонлар оғирини енгил қилаётган Б. Пашалиев, С. Асқаров, М. Худоёров, С. Бегматов, Э. Сайдуллаев, Т. Абдуҳалилов каби механизаторлар меҳнатига ҳамма таҳсинлар айтмоқда.

КПСС XXV съезди қарорларини турмушга тадбиқ этаётган совхозимиз меҳнаткашлари кузда уйилажак 9 минг тонналик «оқ олтин» хирмонига ҳозирдан пухта замин яратмоқдалар. Деҳқонларимиз самарали меҳнатлари билан ғўза парваришини кун сайин авж олдириб, ишлари билан сўзлари бир эканлигини исботлайдилар.

Ҳ. АБДИЕВ.

Бўка районидаги «Қўқорол» совхозининг директори.

ҲАР ҚУТИДАН 80 КИЛОГРАММ

ЯНГИЙЎЛ районидаги «Партия XXI съезди» колхозининг қиллакорлари ўтган йил ҳар қути қурт уругидан 60 килограммдан аъло навли пилла топширган эдилар. Улар бу йил ҳам пиллакорлар мусобақасида ғолиб чиқиш учун 140 қути инак қуртини агротехника қоидалари асосида боқиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

Бу йил колхоз бўйича ҳар қути қурт уругидан 30 килограммдан кумуш тола етказиб берилади.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТДА

УЮШҚОҚЛИК, АНИҚ МАРОМ— МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

ЧИРЧИҚ. 18 май. (ЎзТАГ мухбирлари).

Капролактам — автомобиль шиналари учун кенгал ва пишиқ тола; сунъий толадан тўқилган нафис газламалар; енгил ҳамда пишиқ — арқонлар; хилма-хил синтетик пленкалар; гилам, кийим-кечак, ювиш мумкин бўлган ҳар хил копламалар, безак пластикаси ва бошқа кўпгина қимматли маҳсулотлар демакдир. Еттинчи ноябрь куни мамлакатда капролактам ишлаб чиқарувчи энг катта комплекслардан бири Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишга туширилиши керак.

Чирчиқ шаҳар партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган партия хўжалик йиғилиши капролактам комплекси қурилишини жадаллаштириш йўлларини ва уни ўз вақтида фойдаланишга топшириш ишларини ишга солиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

Бу йил колхоз бўйича ҳар қути қурт уругидан 30 килограммдан кумуш тола етказиб берилади.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

Чирчиқ шаҳар партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган партия хўжалик йиғилиши капролактам комплекси қурилишини жадаллаштириш йўлларини ва уни ўз вақтида фойдаланишга топшириш ишларини ишга солиб, мўл ҳосил етиштирдилар.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

ПРОПАГАНДА ВА АГИТАЦИЯНИНГ ИШЧАНЛИГИ ВА КОНКРЕТЛИГИ, УНИНГ ҲАЁТ БИЛАН, ХЎЖАЛИК ВА СИЁСИЙ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БИЛАН БОҒЛАНИШИ КУЧАЙТИРИЛСИН... ПРОПАГАНДА ВА АГИТАЦИЯНИНГ ҲУЖУМКОРЛИК ХАРАКТЕРИ РИВОЖЛАНТИРИЛСИН.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ИДЕОЛОГИК, СИЁСИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДАН.

БЕКОБОД районидаги 8-мактабнинг агитатори ва сиёсий ташкилотчиси Турдиали Маматқулов бешйилдан буён ғоявий-тарбиявий ишлар юзасидан берилган топшириқларни яхши бажариб келмоқда. У мактаб ўқитувчиларни ва ўқувчиларни орасида тез тез энг актуал мавзуларда лекция ва суҳбатлар уюштириб туради. Суратда: навбатдаги суҳбат пайти.

М. Қорабеков фотоси.

ПРОПАГАНДИСТ КАДРЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

КПСС Марказий Комитети партия XXV съезди қарорларини бажара бориб, идеология ишининг актуал масалалари юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди. Бу ҳужжатлар, ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладлари ва нутқлари ҳамда унинг «Кичик ер», «Тиклаиш», «Қўрқ» эсдалик китоблари партия ташкилотлари учун чинакам ҳаракат қўлланмаси бўлиб қолди. Партия кўраётган тадбирлар орасида КПСС Марказий Комитетининг яқинда эълон қилинган «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эгадир. Қарорда съездан кейин партия ташкилотлари оммасининг онгини ошириш учун кўп иш қилганликлари яққол кўрсатиб берилди. Сиёсий ва иқтисодий ўқув сезилари равишда активлашди ва турмушга яқинлашди. Пропагандист кадрларни танлаш ва тарбиялашга эътибор кучайди. Буни биз ўз районимиз мисолида кўриб турибмиз.

Районимиз саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари ҳамда муассасаларида партия ўқувининг турли формаларига қариб 18 минг киши жалб этилган. Иқтисодий таълим системасида эса 19 минг киши билим олмоқда. 1505 пропагандист сиёсий ва иқтисодий билимларни тарғиб этишда, омманинг онглилигини оширишда, ўқув самарадорлигини ўстиришда катта ҳисса қўшмоқда.

Кейинги йилларда пропагандист кадрларнинг сифат состави сезилари даражада яхшиланди. 1478 пропагандист олий, тугалланмаган олий ва ўрта махсус маълумотга эгадир. Омма орасида маркса-ленинча таълимотни пропаганда қилишда коммунистлар актив қатнашмоқдалар. Пропагандистларимиздан 1046 киши партия аъзосидир. Эндиликда биз бу муҳим ишга мутахассисларни кенг жалб этмоқдамиз. Пропагандистлардан 27 киши фан доктори ва фан кандидатидир. Корхона ва муассаса раҳбарларидан юз киши пропагандист сифатида машғулотларни ўтказмоқда.

Район партия комитети сиёсий ишда тажриба орттирган, билимли, обрўли кишиларни пропагандистликка тавсия этмоқда. Сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида пропагандистлик қилаётган коммунистлардан 32 кишининг 30 йиллик тажрибаси бор, 265 киши ўн йилдан бери, 1032 киши эса 3—5 йилдан бери пропагандистлик қилиб келмоқда. «Средазэлектроаппарат» бирлашмасидан И. Е. Сильченко, геология ва минерал хом ашё илмий-текшириш институтидан К. Бобоев, «Водоканал» трестидан П. В. Буйлов, «Ташгипротранс» лойиҳалаш институтидан С. Г. Иванов ўртоқларни илғор пропагандистлар сифатида тилга оламиз. Районимиздаги ҳар уч пропагандистнинг бири халқ хўжалиги мутахассисидир.

Кейинги йилларда методика совети илғор пропагандистлар тажрибасини ўрганиб оммалаштиришга алоҳида эътибор бераяпти. Октябрь революцияси номли заводдан Г. А. Губанов, И. А. Платонов, Тошкент транспорт инженерлари институтидан А. С. Крюков ўртоқларнинг шахсий иҳодий план асосида ишлаш тажрибалари ўрганилиб, алоҳида-алоҳида варақларда эълон қилинди. Кўплаб пропагандистлар конференцияларда ўз методикалари ҳақида ҳамкасбларига сўзлаб бермоқдалар.

Яқинда биз марксча-ленинча ўқув, иқтисодий таълим ва лекция пропагандасининг таъсирчанлиги ҳамда самарадорлиги қандай ўсаётганлигини текшириб чиқдик. Бундай тадқиқот давомида 165 пропагандистнинг тажрибаси анализ қилинди. Анализ шуни кўрсатдики, ҳали бир қатор пропагандистларнинг ўтаётган машғулотлари савияси талаб даражасида эмас. Социологик группа ёш пропагандистлар мактабини тузиш таклифини киритди. Бу таклиф ҳозир район партия комитетида ўрганилмоқда. Бундан ташқари марксча-ленинча ўқувни такомиллаштириш, жойларда методик советлар тузиш, пропагандистларни муттазам аттестациядан ўтказиб бориш зарурлиги ҳам уқтирилди.

Пропагандистлар маҳоратини ошириш мақсадида районимизда вақти-вақти билан илмий, амалий ва назарий конференциялар ўтказиб борилаяпти. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Қўрқ» асарини ўрганиш бўйича ўтказилган конференцияда Тошкент транспорт инженерлари институтининг бир группа олимлари қизиқарли лекциялар билан чиқдилар. Улар бу муҳим асарни ўрганиб ва пропаганда қилишда ималаларга эътибор бериш лозимлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шу кунларда барча жойларда бўлгани сингари бизнинг районимизда ҳам сиёсий ўқув ва иқтисодий таълимнинг якуновчи машғулотларини муваффақиятли тугаллаш юзасидан қимматли маслаҳатлар берилди. Июнь ойида пропагандистлар конференциясини ўтказишни мўлжалламоқдамиз. Бу конференцияда ўқув йилига яна бир бор якун ясалиб, тўпланган тажрибалар умумлаштирилади.

Пропагандист кадрларга кўрсатилаётган ғамхўрликни янада кучайтириш, уларнинг назарий ва методик савиясини ошириш зарурлиги КПСС Марказий Комитети қарорида алоҳида уқтирилган. Қарор асосида ҳозир жойларда бир қатор муҳим тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Қарорда белгиланган вазифалар ҳар бир пропагандист, агитатор, сиёсий ахборотчи, сиёсий ташкилотчи онгига етказилмоқда.

Идеологик, сиёсий тарбиявий ишлар такомиллашган сари хўжалик вазифаларини муваффақиятли бажариш енгиллашмоқда. Буни биз ўтган йиллардаги иш тажрибамиздан кўриб турибмиз. Шундай экан, бундан буён ҳам омма орасида олиб бориладиган сиёсий-тарбиявий ишларни яна ҳам кучайтирамиз, КПСС Марказий Комитети қарорини бажаришга муносиб ҳиссамизни қўшамиз.

Р. КУШЧЕВА,
Ленин район партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари.

ҚАЛБЛАРГА ЙЎЛ ТОПИБ

МАМАТХОН ака қишлоқ хўжалик билимлари университетида лекция ўқиган шоғирди Салим Тўхтақўзиевнинг лекциясидан анча мамнун бўлди. Ҳатто унинг баъзи ютуқларини дафтарчасига қайд ҳам қилиб қўйди. Босиқлик, ўзини тута билиш... — булар, албатта, лектор учун зарур фазилат. Аммо, фақат шугинами? Тингловчиларни ўзига тўла мойил этиш учун яна нималар қилиш лозим?

Шу куни Салимжонни ўзи билан олиб қолди. Ўзи айтмоқчи, унинг «етишмайдиган» томонлари, яна нималар қилиш лозимлиги ҳусусида ёш лектор билан бир бафуржа гаплашиб олгиси келди.

— Мени тўғри тушунасиз, деган умидламан, — деди у шогирдига мулойим боқиб. — Гапни, шубҳасиз, партиямиз Марказий Комитетининг яқинда эълон қилинган ва бизнинг дастуриламалимиз бўлиб қолган қароридан бошламоқчиман. Унда биз, лектор ва пропагандистларга нисбатан жуда катта ғамхўрлик, айни вақтда талабчанлик, юксак масъулият ифодаланган. Қарордан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, биз шу пайтгача лекция пропагандасида эгаллаб келган поғонадан юқори кўтарилишимиз, лекторлик маҳорати ва санъатини пухта ўзлаштириб олмоғимиз керак. Сизда бу соҳада маҳорат йўқ, деб камситмоқчимасман, лекин уни юзага чиқара билиш лозим. Бирор темада лекция ўқиётганимизда тингловчи сизнинг шу соҳанинг ҳам тажрибали, ҳам илмий мутахассиси эканлигингизга шубҳа қилмасин. Тил бойлиги, оддийлик, аниқлик, конкретлик — сиз эътибор берадиган жиҳатлардир.

— Раҳмат, Маматхон ака! — ёш лектор устозининг маслаҳатини саммимий тан олди.

...Янгийўл район партия комитети қошидаги қишлоқ хўжалик билимлари университети ташкил этилибдики, шундан буён унга Маматхон Аҳмаджонов ректорлик қилади. Шу кунгача бешта факультетдан иборат университетни юзлаб тингловчилар битириб чиқди. Улар шу кеча-кундузда район хўжалигининг турли соҳаларида муваффақиятли ишлаш билан бирга айни вақтда ташвиқот ва тарғибот ишларида ҳам фаоллик кўрсатяптилар.

Агар районнинг 10 та йирик колхоз, 53 та мактаб, Усмон Юсупов номли аграр-саноат бирлашмаси, иккита совхоз, тўқ қурилиш ташкилоти, тўртта завод ва бошқа ташкилотларни ўз ичига бирлаштиришнинг ҳисобига оладиган бўлсак, бу ерда иш олиб бораётган малакали тарғиботчилар маъсулияти нечоғли катта эканлигини билиб олиш қийин эмас. Ана шу малакали кадрларни тайёрлашда Маматхон аканинг ҳам ҳиссаси бор, албатта.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини муваффақиятли тамомлаган йигитни СоюзНИХИ ихтиёрига юборишди. Бу ерда у ҳам аспирант, айни вақтда қишлоқ хўжалик машиналарини эксплуатация ва ремонт қилиш бўйича ташкил этилган махсус лабораторияда ишлади. Янги ҳайдов ва чопиқ тракторларининг иш суръати, уларнинг ҳаракатини кузатиш спичков ва бўлажак олимга бой материал берди. Илмий кузатишлар, машақкатли изланишлар, уйқусиз тунлар зое кетмади, техника фанлари кандидати бўлди.

Маматхон ака район «Билим» жамиятининг раиси, халқ университети ректори, лектор ва пропагандист сифатида кўп изланади.

— Лектор, — дейди у, — ҳаёт қозонида доимо қайнаб туриши керак. Парвозга одатда баланд чўққи илҳом беради. Мен бундай илҳомни ердан, тўғрироғи, Мирзачўлдан олганман. Мустақил ҳаёт китобини дастлаб шу ерда варақлагандим. Бир йили экин ва ҳайдов тракторларининг Мирзачўл шароитида юқори тезликда ишлаши масалаларига қизиқиб қолдим. 1959 йилдан буён эса янги бир муаммо — суғориладиган ерларни текислашни комплекс механизациялаш устида ишлаяпман. САИМЭда асосан, ана шу ишга йўналтирилган лаборатория — мелиорация-планлаштириш ишларини механизациялаш лабораториясига бошчилик қиламан. Шу масалага бағишланган монографиямни ёзиб тугатдим. У СССРнинг пахта экиладиган зоналарини эксплуатацион текислаш проблемаларини ўз ичига олади.

Ҳаётда кўп нарсаларни сўз билангина эмас, амалий иш билан ҳам исботлаш зарур. САИМЭда лаборатория бошлиғи, олим М. Аҳмаджонов кўп вақт далаларда бўлиб, ер тузиш, план олиш, ариқ-зовурларни тозалашда механизациядан фойдаланиш масалалари билан шуғулланади, янги хил техниканинг иш сифатини текширади. Лекция ва суҳбатларнинг мавзулари ҳам худди шу доимий иш-ҳаракат вақтида белгиланади.

— Партия Марказий Комитетининг қарорида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш сингари мавзуларнинг оммавий-сиёсий ишларда кенг ёритилиши, пропаганда ва агитациянинг илмий жиҳатдан юксак даражада бўлиши, уларнинг таъсирчан ва конкрет бўлиши, бевосита хўжалик ва сиёсий вазифалар билан чамбарчас боғлаб олиб борилиши лозимлиги тўғрисида аниқ-равшан йўл-йўриқлар берилганки, улар лекторлар учун энг муҳим дастуруламалдир,—дейди у.

Коммунист, район лекторлари сардори М. Аҳмаджонов қарор муносабати билан ўз чиқишларининг навбатдаги мавзуларини белгилаб олган. Шу кунларда у район идеология ходимлари билан ҳамкорликда жойларда лекторлар куни, агитбригадаларнинг чиқишларини ташкил қилиш, семинар ва кенгашлар ўтказишни режалаб қўйган.

Ж. МЎМИНОВ.

СЕМИНАР КЕНГАШ

ОБЛАСТИМИЗ шаҳар ва районларида, бошланғич партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори кенг муҳокама қилинмоқда.

Ана шундай йиғинлардан бири Оҳангарон район партия комитетида ўтказилди. Бу семинар-кенгашда бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, пропагандистлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ҳамда лекторлар иштирок этди.

Район партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири А. Давронов партия Марказий Комитетининг қарори асосида районда идеологик ҳамда сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтириш борасида бошланғич партия ташкилотлари, барча идеология ходимларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Семинар-кенгашда идеология ходимлари сиёсий ўқувнинг самарадорлигини ошириш, оғзаки-сиёсий агитация ҳамда лекция пропагандасини янада кучайтириш, меҳнаткашларга иқтисодий билим бериш соҳасидаги ишларни партия талабларига жавоб берадиган тарзда ташкил этиш тўғрисида батафсил сўзлашиб олдилар.

Тошкент область партия комитети сиёсий маориф уйи ва область комсомол комитети «Сиёсий ўқув ва комсомол-ёшларнинг меҳнат ҳамда ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди.

Конференцияда область комсомол комитетининг секретари А. С. Раззоқов КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» қарори асосида сиёсий ўқувни такомиллаштириш, комсомол-ёшларнинг меҳнат ҳамда ижтимоий-сиёсий активлигини ошириш тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти илмий коммунизм кафедрасининг доценти Л. Беляевнинг КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» қарори асосида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларини комплекс амалга ошириш масалалари ҳақидаги докладини ҳам қизиқиш билан тингладилар.

АКТИВЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК

Конференцияда Олмалиқ шаҳар комсомол комитетининг инструктори Г. Альбекова, «Узбексельмаш» ишлаб-чиқариш бирлашмасининг пропагандисти С. Серебренникова, Оҳангарон район халқ маорифи бўлимининг пропагандисти М. Ильин, Антрен шаҳар қурилиши бошқармасининг пропагандисти А. Лозовский ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар.

ЭФИР ЖОЗИБАСИ

ЯҚИНДА «Ленинизм» колхозининг Калинин номли участкасида янги радиоузел ишга туширилди. Энди район радиоредакцияси эшиттиришларини бу участка аҳли ҳам мириқиб тингламоқда. Умуман ҳозир маҳаллий эшиттиришларни 39 мингдан ортиқ оқкўрғонлик тинглаб боряпти.

Эшиттиришларимиз асосан район марказидан бошқа радио узелларга телефон кабеллари орқали узатилмоқда.

Биз радиотингловчиларнинг талаб ва таклифларини ҳисобга олиб, эшиттиришларни кўпроқ жонли овозларда ифодаламоқдамиз. Редакциямизга тушаётган шикоятлар ёки миннатдорчилик мактублари аввало авторлар тилидан пленкага ёзиб олинади. Сўнг ҳат мазмуни масъул шахсларга маълум қилинади ва уларнинг жавоблари ҳам ўз оғизларидан ёзиб олинади. Тингловчилар шу тарзда шикоятчининг ҳам, унга жавоб берувчининг ҳам овозини эшитишади.

Редакциямизда бешта штатсиз бўлим иш олиб боряпти. Бундан ташқари 17 ёшлилар клуби ҳам ташкил қилинган. Клуб машғулотлари ойда бир марта ўтиб турибди.

КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленумидан сўнг радиолекторий ташкил қилдик. Радиолекторийнинг 2,5 йилга мўлжалланган иш плани тузиб чиқилган. План бўйича лекторийда қишлоқ хўжалик мутахассислари муҳим мавзулар бўйича қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» қабул қилган қарорида пропаганда ва оммавий ахборот воситалари ишини ҳар томонлама яхшилаш лозимлиги уқтирилган. Қарор асосида биз ўз эшиттиришларимизни янада жозибали ва таъсирли қилишга ҳаракат қилмоқдамиз. Тузиб олинган оператив план бўйича қишлоқ аҳолиси ўртасида ғоявий-тарбиявий ишни янада кучайтирамиз, эътиборни, йигит ва қизларни сиёсий, меҳнат ва аҳлоқий жиҳатдан чиниқтиришга қаратамиз.

Районимиз меҳнат аҳли бу йил она-Ватанга 66 минг тонна «оқ олтин», 9 минг 800 тонна сут, 1400 тонна гўшт ва бошқа хил ноз-неъматлар етказиб бериш иштиёқида кун сайин олға интилмоқдалар. Шу қурашда тўғилаётган қаҳрамонликларни турли формаларида қизиқарли баён этиш қаламкашларнинг бурчидир.

П. ЭРГАШЕВ,
Оқкўрғон район радиоэшиттиришлари редактори.

ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ ПАРТИЯСИ

(В. И. ЛЕНИН «БИР ҚАДАМ ОЛҒА, ИККИ ҚАДАМ ОРҚАГА» АСАРИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)

В. И. ЛЕНИННИНГ тинимсиз ҳатти-ҳаракатлари, жонкуярлиги, ленинчи «Искра»нинг улкан ташкилотчилик фаолияти ва жонбозлиги, ниҳоят, партия II съездининг самаралі ишлари натижасида Россия социал-демократик ҳаракати **олға қараб жуда катта қадам ташлади:** партия Программасида ва партия резолюцияларида ифода этилган ғоявий бирликка эришилди, ўнларча майда-чуйда группаларни бирга жамлаб партия тузишга — РСДРПни барпо этишга муваффақ бўлинди.

Бироқ, II съезд ҳали ўз ишини тугатмасданоқ, революцион қанотдаги большевиклар билан оппортунизм «ботқоғи»га юз тутган меньшевиклар ўртасида кўп йилларга чўзилган шиддатли кураш бошланиб кетди. Бу кураш партиянинг, революциянинг тақдири учун ғоят катта аҳамиятга молик эди. Ленин бошлиқ большевиклар съезд тасдиқлаган Программа асосида иш олиб боришга ҳаракат қилардилар. Плеханов, Мартов бошчилигидаги меньшевиклар эса партияни оппортунизм йўлига солишга уринардилар. Ҳатто улар съезддан кейин кўп ўтмай партиядан ташқарига Мартов, Троцкий, Аксельрод бошлиқ антипартиявий фракцион ташкилот ҳам туздилар. Меньшевиклар, Мартов сўзлари билан айтганда, «ленинизмга қарши исён кўтардилар». Меньшевиклар аста-секин партия марказларини қўлга ола бошладилар: 1903 йил ноябрида «Искра»ни, 1904 йил июлида Марказий Комитетни эгаллаб олдилар.

«Искра» 52-сонидан бошлаб, яъни Плеханов бошлиқ меньшевистик редколлегия қўлига ўтган даврдан бошлаб революцион марксизмнинг жангговар органи, партия учун кураш органи бўлишдек юксак ва шарафли функциясидан маҳрум этилди. «Искра»ни бутунлай эгаллаб олган меньшевиклар уни партияга қарши кураш органига, ташкилий масалаларда оппортунизмни тарғиб қилиш минбарига айлантирдилар. Партиявийлик илдизига болта урилди, демократик централизм принциплари топталди, партия қарорларини бажаришнинг мажбурийлиги тўғрисидаги талаб «бюрократизм» ва «формализм», деб эълон қилинди, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши партия аъзосининг иродаси ва эркини бўғади, деб қаралди, партия интизоми «крепостной ҳуқуқ»дан бошқа нарса эмас, деб камситилди.

Меньшевикларнинг партияга хилоф ҳатти-ҳаракатларини очиб ташлаш ва уларнинг РСДРП II съездида ва съезддан кейинги даврда партия ичидаги зиддиятларни бузиб кўрсатаётганликларини фош этиш большевиклар олдида кечиктириб бўлмайдиган ғоят муҳим вазифа бўлиб турарди. Бу вазифани В. И. Ленин 1904 йил февраль-май ойларида ёзилган ва шу йили май ойида Женева шаҳрида нашр қилинган «Бир қадам олға, икки қадам орқага» китобида амалга оширди.

«Бир қадам олға, икки қадам орқага» асари марксча-ленинча назарияни, пролетар партияси тўғрисидаги таълимотни ривожлантиришда муҳим босқич бўлди. Мазкур китобда большевистик партиянинг ташкилий принциплари ҳар томонлама мукаммал ва муфассал ишлаб чиқилди. Асарда партия ишчилар синфининг бир қисми, айни чоқда унинг илғор отряди эканлиги алоҳида уқдирилди. Партияни бутун синф билан аралаштириб юбориш мумкин эмас, негаки, партия ишчилар синфининг энг онгли, уюшган ва фидокор, революция ишига чексиз содиқ бўлган энг яхши вакилларини саралаб олиш йўли билан тузилади. Меньшевиклар эса, аксинча, партияни бутун синф билан аралаштириб юборишга ҳаракат қилдилар.

Партия ишчилар синфининг илғор отряди сифатида революцион назарияга, пролетариатнинг онглилигига асосланади. Марксистик назария билан қуролланган, бу назарияни ишчилар синфининг амалий иши билан чамбарчас боғлаб олиб борган партиягина ўзининг авангардлик, раҳбарлик, йўлбошчилик ролини муваффақият билан бажара олади. Асарда партия ишчилар синфининг илғор отряди бўлиш билан бирга унинг уюшган отряди эканлиги ҳам алоҳида уқдирилган. Марксистик партия ирода бирлиги, ҳаракат ва онгли интизом бирлиги, жипслаштаглиги билан характерланади. Фақат мустаҳкам бирлик ва ягона интизом асосида умумий отряд бўлиб уюшган партиягина ўз тарихий вазифасини муваффақиятли бажара олади.

В. И. Ленининг таълим беришича, партия демократик централизм принциплари асосида қурилгандагина кучли ва жипслашган партия бўлиши мумкин. Бу — партияга марказдан туриб раҳбарлик қилишни, партия съездлари орасида эса, бу раҳбарликни Марказий Комитет амалга оширишини, озчиликнинг кўпчиликка, қуйи ташкилотларнинг юқори ташкилотларга қатъий бўйсунишини тақозо этади.

Партия илғор отряд билан ишчилар синфининг миллионларча оммаси ўртасида алоқанинг амалга ошишидир, деб уқтирган эди Ленин. Агар партияда партия ички демократияси ва ўз-ўзини танқид мавжуд бўлса, у мустаҳкамланиб боради ва унинг омма билан алоқаси кучаяди. В. И. Ленин партияда «ўз-ўзини танқид қилиб, ўз камчиликларини аямай очиб ташлаш...» (В. И. Ленин. Тўла ас. тўп. 8 т. 217 б.) ишини амалга ошириш зарурлигини кўрсатиб ўтган эди.

В. И. Ленин РСДРП II съезди ва ундан кейинги даврдаги партия ички курашига оид фактларни синчиклаб ўрганиш асосида большевиклар — партиянинг революцион қаноти, меньшевиклар — оппортунистик қаноти, деган ғоят муҳим сиёсий хулоса чиқарди ва ўз фикрини рад этиб бўлмайдиган далиллар билан жуда аққол ва қатъий исботлаб берди. Ленин қатор далиллар асосида меньшевиклар — оппортунизмга энг мойил бўлган, партиянинг назарий жиҳатдан энг беқарор, принцип жиҳатдан энг тутуруқсиз элементларидан ташкил топганлигини исботлаб берди. Шу билан бирга Владимир Ильич ўз китобида меньшевиклар халқаро оппортунизмнинг бир тури эканлигини рўй-рост айтди.

Владимир Ильич Россия ва Ғарбий Европа оппортунистларининг қарашларини таққослаш ва таҳлил этиш асосида оппортунизмнинг ҳақиқий башарасини очиб ташлади.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев партиянинг XXV съездига қилган ҳисобот докладида таъкидлаб кўрсатганидек, эндиликда ленинча Коммунистик партия ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг, бутун халқнинг сиёсий йўлбошчиси ролини муносиб бажариб келмоқда... «Бизнинг партиямиз марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг революцион байроғини баланд кўтариб бормоқда, ўзининг тарихий вазифасини шараф билан амалга оширмоқда, коммунистик ғояларнинг тантанаси учун ҳормай-толмай курашмоқда».

В. АБДУЛЛАЕВ,
доцент.

В Советской Армии служат сыны единой интернациональной семьи — советского народа. Они стоят на страже мира и труда многонациональной Советской Страны.

В освоении знаний новейших видов военной техники, в воспитании воинов в духе патриотизма и интернационализма огромную роль играет русский язык — язык Пушкина и Толстого, язык великого Ленина.

Дружба, взаимопомощь и взаимовыручка молодых воинов во время службы в рядах Советской Армии, их повседневный ратный труд — во всем этом большую роль играет именно русский язык, язык братства и сотрудничества. Именно поэтому молодые воины — сыновья разных национальностей и народностей нашей страны с большим увлечением изучают русский язык. Для них он стал вторым родным языком.

Огромное внимание изучению русского языка уделяется в подразделениях Краснознаменного Туркестанского военного округа и внутренних войск.

Публикуемая сегодня очередная военно-патриотическая страница рассказывает о том, как изучают молодые воины, защитники южных рубежей нашей Родины русский язык. Страница посвящена II Всесоюзной научно-практической конференции «Русский язык — язык дружбы и сотрудничества народов СССР», которая открывается 22 мая в Ташкенте.

РУС ТИЛИ — УМУМХАЛҚ ТИЛИ, ҲАМКОРЛИК, ҚАРДОШЛИК, ДЎСТЛИК ТИЛИ

Ҳарбий ВАТАНПАРВАРЛИК САҲИФАСИ

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ"

САҲИФА № 179

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ

ҲАЛИ кечагидек эсимда. Қисмлардан бирида хизмат бурчимни ўтардим. Куз ойларида сафимиз янги чақирилганлар ҳисобига ортди. Менга ёш офицер сифатида ҳарбий қасамёд қабул қилиш учун ҳозирлик кўраётган солдатларга командир этиб тайинлашди. Йигитларнинг кўпчилиги руслар, латишлар, грузинлар, ўзбеклар, қирғиз ва эстонлар бўлиб улар ягона оила фарзандларидек тотув, бир-бирларига меҳрибонлик билан ҳаёт кечирардилар. Тўғрисини айтиш керак, эндигина ҳарбий либосни кийганлар орасида рус тилини бўшроқ биладиган, тушунса ҳам бемалол гапиролмайдиган ёшлар анчагина эди. Бу ҳолат уларнинг ҳарбий техниками, уставларни пухта эгаллашларида қийинчилик туғдирарди. Лекин қомандирларнинг ғамхўрлиги, дўстларнинг ёрдами туфайли бу машаққатлар орқада қоларди. Орадан 6—7 ой ўтгач ҳамма рус тилида ўз онз тилида сўзлашгандек бемалол гаплашарди. Шунда рус тилининг буюк дўстлик, ҳамжиҳатлик тили эканлиги яққол кўзга яна бир бор ташланзди.

Фарғона областидан келган Фарҳод Аҳмаджонов деган йигит ҳамон ёдимда. Кенг елкали, бўй басти келишган жуда хушмуомала ҳар бир нишни бажонидил бажарадиган бу солдатни ўртоқлари жуда ҳурмат қилишарди. Лекин у русча сўзлашаётганида пешонасидан дарров тер чиқиб кетар, ҳижолатомуз кўзлари ич-ичига ботиб кетарди. У уяларди. Аммо биз бу ёш солдатда тез орада рус тилига меҳр уйғота олдик. Кейинчалик тортинмайдиган янглишиб, қолишдан чўчимайдиган бўлди. Фарҳод командир даражасига кўтарилди. Ф. Аҳмаджоновнинг ҳарбий техника ва қуролларни ўз солдатларига рус тилида жуда равон, содда қилиб тушунтира олиш даражасига етганини кўрганимда армия бу улуғ тилни ўргатишда катта мактаб эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Мана йиллар ўтди. Ҳозир ҳаётимиз тобора кўркамлашиб, экономикамиз ўсди. Кишиларнинг маънавий қиёфасида ҳам ўзгариш катта. Хусусан Совет Қуролли Кучлари қудрати беқиёс даражада юксалди. У янги, мукаммал техника билан жиҳозланди. Уларни ўрганиш учун чуқур билим ва маҳорат талаб қилинди. Шу сабабли ҳам энди Совет Армиясига чақирилувчилар зиммасига улкан вазифалар юкланди. Улар ўз бурчларини адо этишга боғлунга қадар ҳарбий бошлангич таълимдан хабардор бўлишлари, айниқса рус тилини пухта эгаллашлари, билимларини оширишлари, турли мутахассисликлар эгаси бўлишлари лозим. Шу жиҳатдан олганда мен ҳозир хизмат қилаётган Тошкент район ҳарбий комиссариати ва ҳамма ишларни амалга оширмоқда.

Биз районимиздаги 40 дан зиёд мактабларнинг ҳарбий таълим раҳбарлари билан ҳамда қишлоқ Советларидаги ҳарбий стол бошлиқлари билан мунтазам алоқадамиз. Айниқса мактабларда рус тилида олиб борилаётган ҳарбий тайёргарлик дарсларининг юксак савизда ўтиши, бўлажак солдатларнинг бу тилни пухта эгаллашлари борасида ғамхўрлик қилиб борамиз. Бунинг учун мактаблар, қишлоқ Советлари раҳбарлари ҳамда корхона ва ташкилотлар маъмурияти билан биргаликда комплекс план ишлаб чиққанмиз. Ҳар кварталда икки ёки уч марта Армия сафига чақирилувчилар билан Улуғ Ватан уруши ветеранларининг турли мавзудаги учрашувларини уюштириб турамиз. Бундай учрашувларда район ҳарбий комиссари Асқат Аҳмедсалихович Зоитов, Улуғ Ватан уруши ветеранлари Турдали Шарипов, Тургун Содиқов, Григорий Фёдорович Твердохлеб, Саъдулла Абдуллаев сингари фидокорларимиз ёшларга жангговар йиллар хотирасини сўзлаб берадилар. Сўнгра мактаб талабалари, корхона ёки ташкилотларда ишлаётган чақирилувчилар ўз ишлари, хизматлари, ўқишлари ҳақида олаётган ҳарбий билимлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини рус тилида баён этадилар.

Мактабларда улуғ тилни ўргатишга бўлаётган меҳр-муҳаббат, ҳарбий таълимнинг яхши йўлга қўйилиши ўз самарасини бермоқда. Яқинда биз Гулистон қишлоқ советидан ҳарбий хизматга кетган метрос М. Умаровдан хат олдик. «Рус тилини пухта ўрганганлигим бу ерда жуда қўл келмоқда. Ҳарбий техниканн эгаллашимда катта ёрдам бераётир. Бунинг учун мактаб ўқитувчиларимга ва бевосита сиз ҳарбий комиссариат ходимларига ўз ташаккуримни изҳор қиламан», деб ёзибди у. М. Умаров ҳозир қўмондонлик томонидан 12 та рағбатлантиришга эга. Шу қишлоқ Советидан Совет Армияси сафига кетган ва Ҳарбий Ҳаво қучлари қисмида хизмат қилаётган Ш. Шомуслимов, Калинин қишлоқ Советидан кетиб ҳарбий денгиз флотида ўз бурчини шараф билан ўтаётган М. Абдулҳамидов, танкчи Ш. Абдулзаметов, Юнусобод қишлоқ Советидан борибсолдатлик бурчини оқлаётган З. Шонсломовлардан ҳам биз миннатдорчилик мактубларини олдик. Улар ҳар бир гапларида ҳарбий техниканн эгаллашда, уставларни пухта билиб олишларида ва хизматни муваффақиятли олиб боришларида рус тили катта ёрдам бераётганлигини таъкидлаб ёзганлар.

Биз бундан кейин ҳам мактаблар, қишлоқ Советлари, колхоз ва совхозлар билан алоқани мустаҳкамлаган ҳолда Совет Армияси сафига чақирилувчиларнинг рус тилини эгаллашдаги билим даражаси юксак бўлишини таъминлашга интиламиз. Зероки, Владимир Ильич тилига бўлган муҳаббат элга, юртга, жамиятга одамлар осойишталигини сақлашга бўлган самимий садоқатда ўз ифодасини топаверади.

В. БУЛАНЦЕВ,
майор, Тошкент район ҳарбий комиссариатининг бўлим бошлиғи.

БУЮК ВА ҚУДРАТЛИ

МЕН қачонлардир сеҳрли олам калитини қўлимга тутқазган даргоҳга ҳанузгача ҳаяжон билан қадам босамэн. Бу даргоҳ Маннон Ўйғур номидаги 22-ўрта мактабдир. Унинг ўқитувчилари ҳамда ўқувчилари ҳузурида тез-тез меҳмон бўлиб туришга тўғри келади. Ушанда бенхтиёр 30-йиллар ёдимга келади. Илк бор китобхон бўлиш қалбида абадий из қолдириши рост экан. Бу даврқаҳрамонликлар, жасоратларга тўла йиллар эди. Папанин, Чкалов, Беляков, Байдуков каби қаҳрамонлар яратган меҳнат мўъжизалари бир умрга ибрат бўлиб қолди.

Мен мактабда жамоатчилик асосида ўқув комитетнинг раиси, деворий газета редактори, пионер вожатий ҳам бўлганман. Дарсдан бўш вақтларимда эса ҳарбийларча қадам ташлашни машқ қилардим. Чунки, менда Қизил аскар бўлишга иштиёқ зўр эди. Йиллар ўтиши билан эса бу қизиқиш бутун умр мазмунини белгилаган муҳаббатга айланди.

Мен ҳамиша қўлимга илк бор қалам тутқазган устозларимни чуқур ҳурмат билан ёдга оламан. Биринчи устозим Оқилхон ака Шарафуддинов, биринчи ҳарбий ўқитувчим Хўжаев кабилар каторида Ленин тили, буюк саркардалар тили—рус тилидан сабоқ берган муаллима Мария Михайлова ҳам қадр эътиборлидир.

Рус тилини ўрганишда акаларим Шокиржон ва Шукуржонлар ҳам устозлик қилдилар. Улар ҳарбий касбга иштиёқимни кўриб менга ёрдамларини аяшмади. Шукуржон акам партия ходими, Шокиржон акам ва отам эса ишчи сифатида орзуимга қанот боғлашди. Улар кўмагида Тошкентдаги В. И. Ленин номидаги пиёдалар ҳарбий билим юртига ўқишга кирдим. Тан олиш керакки, биз ўшанда рус тилини талабларга лойиқ даражада яхши билмас эдик. Мутолаа қилиш натижасида рус тилини анча ўзлаштириб олдим. Буюк саркардаларни етиштирган рус халқи тилини ўрганишим ҳарбий билим юртида ҳам, сўнг эса ҳарбий хизмат даврида ҳам жуда-жуда асқотди.

Офицерлик — муқаддас, ҳамда шарафли касб. Уни эгаллашга орзуманд ёшларга рус тилини пухта эгаллашга кераклигини алоҳида уқтириб ўтгим келади. Буюк рус олими М. Ломоносов ёзганидек, ўзида француз тили нафосатини, испан тили созини, немис тили салмоғини мужассамлантирган рус тилини пухта ўрганинг. У сизнинг иккинчи она тилингиз бўлиб қолсин. Тобора катта ақамият касб этиб, халқаро миқёсда тан олинган улуғ рус тили сизга жаҳон маданияти дурдоналари ҳазиналарини очади, ҳарбий санъат ва маҳорат сирларини мукаммал эгаллашингизда поёнсиз имкониятлар яратади. Қудратли ҳарбий техниканн, замонавий тактика ва стратегиянн эгаллашда, ўзлаштиришда кўмак беради.

Халқимиз тил билган, дил билади дейди. Бу бежиз эмас. Рус тили кўпмиллатли мамлакатларимиз халқлари учун ўзаро дўстлик, қардошлик алоқаларини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Бунн қирқ йилдан зиёд Совет Армияси сафларида ўтган даврнмда кўрган воқеалар асосида таъкидлакман. Улуғ Ватан урушининг суронли йилларида ана шу тилда Ватан сўзи маҳрур янграган.

Ҳарбий округ штабларида оператив бўлим офицери, Фрунзе номидаги ҳарбий академия талабаси, гвардиячи ўқчи қисм командири ва бошқа лавозимларда ишлаган йилларимда ҳам рус тилини чуқур ва мукаммал билиш нақадар катта аҳаммиятга эга эканлигини қалбдан чуқур ҳис этганман. Шунинг учун фарзандларим Алишер, Дилоромхон ва Нўъмонжонлар рус мактабида билим олиш истагини билдиришганда, уларни қўллаб-қувватлаганман. Алишер араб тилини ва инглиз тилини пухта ўзлаштиришда рус тили фойда берганини ўз тажрибасида кўрди. Дилоромхон эса врач-кардиолог бўлиб етишишида ҳам бу фикрни тасдиқлади.

Ўтган йиллар, ҳаёт тажрибаси асосида мен ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшларни, офицер бўлишни истаган навқирон йигитларимизни бу дўстлик, қардошлик ва билим булоғини очувчи рус тилини чуқур ўзлаштиришларини истайман. Ўз она тилининг барча бойликларини пухта ҳамда атрофлича ўзлаштирган, ёшларимиз доҳий Ильич тилини, буюк инқилоб саркардаларн тилини иккинчи она тилларн сифатида билишларига чин қалбимдан тилакдошман.

Собиржон ОХУНЖОНОВ,
генерал-майор.

БИР ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИ

Офицер Носир Ортиқов ҳарбий хизматни тугатиб, уйига қайтаётган солдатларнинг бир гуруҳини ўз хонасига таклиф қилди. Ҳар бир солдатнинг келгуси иш режалари, ҳарбий хизмат ҳақидаги таассуротлари улар ўртасидаги самимий суҳбатнинг мавзуи бўлди.

— Армия ҳақиқий ҳаёт мактаби вазифасини ўтади, — дейишди солдатлар бир овоздан мамнуният билан. — Ҳам сиёсий, ҳам жисмоний жиҳатдан чиниқдик.

— Мен булардан ташқари рус тилини ҳам тўлиқ ўзлаштириб олдим, — деди ўзбек йигити. Ҳақиқатан ҳам у рус тилида равон гапирар эди. Қуролдоши фикрларини қозоқ, тожик, арман йигитлари ҳам тасдиқладилар.

Дарҳақиқат, бу йигитлар учун Ватан олдидаги хизматларини аъло даражада ўташларида, ҳарбий техниканн пухта эгаллашларида улуғ рус тили муҳим аҳамият касб этди. Йигитлар рус тилини пухта эгаллагаилиқлари учун сиёсий ва ҳарбий тайёргарлик аълочиси бўлдилар.

Офицер ўз солдатлари билан хайрлашар экан, бир зум ҳаёлга толди. Уларнинг янги хизматга чақирилган кунларини кўз олдига келтирди. Ушанда бу йигитлар рус тилида эўрга гаплашишар, анча бўшанг, уятчан эдилар. Мана энди сафда сиёсий чиниққан, жисмонан етук туришибди.

Солдатларни шу даражада тарбиялашга озмунча меҳнат сарфлаздими?! Ҳозир ҳам бўлинмада ёш жангчиларни тарбиялаш, рус тилини у қадар ўзлаштирмаганларга бу соҳада ёрдам бериш ҳар бир солдат, сержант, прапорщик, ва офицернинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолган. Коллектив тарбия яхши самаралар бераётир. Шунинг учун ҳам ёш солдатлар ҳарбий таълим асосларини, техника сир-асрорларини пухта эгаллашмоқда. Рус тили эса ҳамма учун кундалик алоқа тили, ягона армия тили бўлиб қолган. Энг муҳими эса, шу тил воситасида улар бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ яшашмоқда. Дарвоқе, бу ҳақда уларнинг ўзлари шундай дейишади:

Сержант В. Глобенко: — Мен командирлик қилаётган бўлинма интернационал. Миллатларимиз ҳар хил: рус, украин, ўзбек, белорус, тожик, арман. Тилимиз, эътиқодимиз, мақсадимиз, интилишимиз эса бир хил. Шу боис, янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқдамиз. Коллективимиз сиёсий ва жангговар тайёргарлик аълочиси деган шарафли номга эга. Албатта, бу энг аввало аҳиллигимиз, интизомимизнинг мустаҳкамлиги натижасидир. Қолаверса, биз ўз ёрдамимизни бир-биримиздан сира ҳам аямаймиз. Масалан, рус тилини ўрганиш учун ўзбек йигити Абдуллаев, арман йигити Карапетян, оддий аскар Л. Лозницага бириктириб қўйилган. Мана энди улар ҳам рус тилида қойилмақом қилиб сўзлашадилар.

Оддий солдат А. Акбаров: — Ленин хонаси қошида рус тилини ўрганиш фонов: — Қўшиқсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Бизнинг бўлимимизда ўзбек халқ ва эстрада ансамбллари фаол ишлаб турибди. Санъат ихлосмандларига Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист И. Бўронов раҳбарлик қилади. Эстрада ансамбли репертуар ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги ҳамда ҳазил қўшиқлари ўрни олган. Санъаткор-жангчиларимиз «Рус солдати ҳақида», «Шаҳар бўйлаб солдат бормоқда» каби қўшиқларни зўр маҳорат билан ижро этишади. Ўзбек солдатлари Турғун Бекназаров, Баҳром Юсупровлар ҳам рус халқ қўшиқларини завқ-шавқ билан куйлашади. Кўп миллатли солдатларга рус тилини ўргатишда биз ҳам ҳисса қўшмоқдамиз.

Оддий солдат Б. Тўхтасинов: — Очиғини айтганда, ҳарбий хизматга чақирилган кезларимда рус тилини яхши ўзлаштирмаган эдим. Ҳозир эса бу улуғ тилда қийналмай сўзлаша оламан. Биргина мен эмас, юртдошларим Р. Абдуллаев, И. Тиллаев, Ж. Нуралиевлар ҳам бу тилни яхши билиб олишган. Бизнинг тил ўрганишимизда рус ўртоқларимиз яқиндан ёрдам беришяпти.

...Бўлинмада қайси солдат билан сўзлашманг, у ё рус тилини ўрганаётгани, ёки рус тилини ўргатаётгани ҳақида фахр билан гапиради. Бу ҳайрли ишда бўлима кутубхонасининг ҳам хизмати катта. 38 минг китоб фондига эга бўлган зиё масканн ҳамиша жангчилар билан гавжум бўлади.

— Ўтказилаётган китобхонлар конференциялари, учрашувлар ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бирга рус тилини ўзлаштиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, — дейди кутубхона мудири Галина Ходунаева.

Зиё масканида ташкил қилинган турли хил кўргазмалар улуғ рус тилининг қудрати, буюклиги ҳақида ҳикоя қилади. Биз солдатлар даврасидан қайтаётиб, бенхтиёр рус совет шоири В. В. Маяковскийнинг қуйидаги сатрларини эсга олдик:

Ўспирин ўртоқлар,
Москвага боқинг.
Руслар лаҳжасига
тутингиз қулоқ!
Мен агар,
Қарғаган, занжи
бўлсам ҳам
Ҳатто ўшанда ҳам
эринмай бардам,
Ўрганиб олардим
русларнинг тилин,
Сўзлагани учун
Шу тилда
Ленин!

Р. ШЕРАЛИЕВ.

Суратда: кутубхона мудири Г. Ходунаева турли миллат вакиллари билан рус тили машғулоти ўтказмоқда.

А. Абалян фотоси.



ОҚ ЙЎЛ ЙИГИТЛАР

ҚИШЛОҚ стадиони байрам либосида. Бу ерга Улуғ Ватан уруши иштирокчилари, меҳнат донгдорлари, мўйловлари эндигина сабза урган йигитлар тўпланишган. Йигитларнар Ватан олдидаги ўз бурчини ўташга отланаётган йигитларга оқ йўл тилашмоқда. Улар оталаримизнинг шонли анъаналаринни муносиб давом эттиришга аҳд қилишган.

Калинин районида ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Хизматга отланаётганларнинг аксарияти ҳарбий таълимдан хабардор бўлиб, бирор техник касб эгасидир. Бўлажак солдатлар бошланғич ҳарбий таълим олиш жараёнида рус тилини ҳам пухта ўзлаштирдилар. Ўзбек, тожик, қозоқ ва бошқа маҳаллий миллат вакиллари эндиликда рус тилида бемалол сўзлаша оладилар. Бу эса, уларга ҳарбий хизматда қийналмаслик, солдатлик бурчларини аъло даражада ўташ имконини беради.

Йигилишда район ҳарбий комиссари А. Султонов сўзга чиқиб, ёшларни совет солдати деган шарафли номни муносиб оқлашга, Ватан, халқ иши учун доим тайёр бўлишга даъват этди.

Улуғ Ватан уруши ветерани, ёзувчи Вали Ғофуров, Свердлов номли қишлоқ Совети раиси Толиб Охунов, 34-ўрта мактаб директори Жамол Жалолов ва бошқалар хизматга отланаётган йигитларга ота-оналар номидан наказлар беришди.

Бўлажак Ватан посбонларининг парадидан кейин спорт мусобақалари бўлди. Йигитлар турли масофаларга югуриш, узунликка сакраш, арқонда кўтарилиш, граната улоқтириш, автоматни қисмларга ажратиш ва йиғиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Байрам пировардида Свердлов номли совхоз ва «Хасково» совхози футбол командалари ўртасида учрашув бўлди. Голиблар қимматбаҳо совға, ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Ҳ. БОИМУРОДОВ.

КОМСОМОЛЛАР ОТАЛИҒИДА

Комсомол ташкилотимиз олдида турган вазифалардан бири рус тилини ўрганиш, ўргатишдан иборат. Шу мақсадда рус тилини ўрганиш тўгарагини ташкил этганмиз. Унга асосан комсомол активлари жалб қилинган. Активлар ёш солдатларга бириктириб қўйилган бўлиб, хизмат вазифасини ўтаётган вақтида ва хизматдан ташқари дам олиш пайтида оталиқларидаги жангчиларга рус тилини ўргатишади.

Бўлинмамизда ишнинг бу йўсинда ташкил қилинганлиги катта самара бераётир. Қардош республикалардан чақирилган солдатлар тез орада рус тилини яхшигина ўрганиб олишмоқда. Офицерлар, прапорщиклар томонидан рус тилининг улуғворлиги, қудрати, халқаро миқёсдаги ўрни тўғрисида ўтказилаётган суҳбатлар ҳам турли миллатларга мансуб солдатларнинг улуғ тилга бўлган меҳр-муҳаббатларини ортирмоқда.

А. АБДУЛЛАЕВ,
Н бўлинма бошланғич комсомол ташкилотининг секретари.

Н-БЎЛИНМАДАН ХАТ

ҲАЁТ МАКТАБИ

Баъзан ҳаёлга толиб, Совет Армияси сафларига чақирилган дастлабки кунларимни эсга оламан. Қишлоқдан чақирилганлигим учун бўлса керак, дастлабки кунлари солдатлар ҳаётига у қадар кўника олмадим. Очиғини айтсам, бироз уятчанлигимданми, армия ҳаёти қизиқроқ туюлди.

Вақт ўтиши билан бу ҳаётга мослашиб кетдим. Аниқ белгиланган кун тартиби асосида ҳаёт кечириш, бир вақтда овқатланиб, машғулотлар ўтказиш натижасида жисмонан анча чиниқдим. Тез орада бепоён мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган солдатлар билан қалин дўстлашиб кетдик. Мана энди турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек иноқ-аҳил яшамоқдамиз. Иноқликда гап кўп экан. Биз бир-биримиздан ўз ёрдамларимизни аямаймиз. Шунинг учун ҳам ҳарбий хизмат вақтида ҳеч қандай қийинчилик сезилмаяпти.

Турли миллат вакиллари ягона тилда — улуғ рус тилида сўзлашамиз. Бўлинмамиздаги ўзбек, қозоқ, қирғиз ва бошқа миллат вакиллари қисқа вақт ичида бу тилни анча мукаммал ўзлаштириб олдилар. Рус тилини ўрганишимизда командирларимиз, рус солдатлари ва сержантлари яқиндан ёрдам бердилар. Биргина бу эмас, Совет Армияси сафларида сиёсий онгимиз ўсмоқда, жисмонан чиниқмоқдамиз. Бир сўз билан айтганда, армия биз ёшлар учун ҳақиқий ҳаёт мактаби вазифасини ўтаётир.

А. ТУЛАЕВ,
оддий солдат.

БУГУН — БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

ЁШ ЛЕНИНЧИ АВЛОД

СОВЕТ пионерлари шонли тарихга ва бой тарихнинг эга. Бу шонли йилнома халқимизнинг қаҳрамонона тарихи билан чамбарчас боғланган ҳамда у улуғ доҳиймиз В. И. Ленинни болалар ташкилоти — коммунарлар тарбиялашнинг энг яхши йўли деган оқилона фикрини ёрқин тасдиқлайди.

Серқуёш республикамиз пионер ташкилоти ҳам ёрқин йўлни босиб ўтди. Тошкент темирйўл устахонаси комсомолларн Ўзбекистонда дастлабки пионер отрядини тузишган эди. Бу воқеа 1922 йилнинг Май ойида амалга оширилганди. Ўша йилнинг кузида эса эски шаҳардаги болалар уйида биринчи ўзбек пионер отряди иш бошлади. Унга 30 дан ортиқ актив ўғил-қиз аъзо бўлган эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбекистонлик пионерлар ташкилотн тарихининг янги саҳифаларн очилди. Улар 20 вагон мева, 23 миллион сўм пул тўплаб, қамалда қолган Ленинград аҳолисига тортиқ этдилар. «Тошкент пионерлари» танк колоннаси ҳам ўша кезларн тайёрланди.

«Донм тайёр!» маршнинг барча маршрутлари бўйича дадил одим ташлаётган республикамиз пионерлари «Иккисиз — икки йилликсиз», «Бутун отряд билан синфдан-синфга!» деган шиорга қатъий амал қилишаётнр.

Пионер отрядлари Бутуниттифоқ Маршнинг янги босқичи давом эттирилади. Марш «Биз сенинг содиқ ўринбосарларингмиз, комсомол!» шиори остида ўтмоқда. Шунингдек, «СССР — меннинг Ватаним», «Билимлар мамлакати», «Тинчлик ва бирдамлик», «Пионер қурилиши», «Гўзаллнк оламинга», «Юлдузча» каби маршрутларда эришилган ютуқлар мустаҳкамланади.

Дарҳақиқат, пионерлар Ленин комсомолнинг муносиб ўринбосарлари деган номга яраша «аъло» ва «яхши» баҳоларда ўқиб, жамоат ишларида актив қатнашмоқдалар. Улар ўртасида фан ва техника ижодкорлиги авж олдирилди.

Бундан 20 йил муқаддам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси дунёдаги ҳамма ўғил-қизларнинг бахтиёрлигини таъминлаш масалаларига қаратилган «Болалар ҳуқуқлари деклорацияси»ни қабул қилган эди. Бу ҳужжатда барча болаларга соғлиқни сақлаш, бепул маълумот олиш ҳуқуқини яратиш, уларни зулм ва эксплуатациянинг ҳар қандай кўринишларидан муҳофаза қилиш зарурлиги ёзнб қўйилган бўлсада, аммо бу принциплар ҳамма ерда ҳам қўллаб-қувватлангани йўқ. Капитал ҳукмрон бўлган мамлакатларда оддий меҳнаткашларнинг фарзандлари оғир аҳволда кун кечирмоқдалар. Улар жуда ёшликдан оғир меҳнат билан машғул бўлишга мажбурдилар.

Шу сабабли жаҳон оналари нури-дийдаларнинг тинч ва бахтли ҳаёти учун, уларнинг келажаги ёрқин ва нурли бўлиши учун курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. 1979 йилни — Халқаро болалар йили деб эълон қилинниши бу борада муҳим тадбир бўлди.

Бугун келажагимиз, инсоннятнинг эртанги куни ҳисобланган болаларнинг халқаро кунида бутун дунё прогрессив халқларининг ер юзида тинчлик ва бахтнёр болаликни таъминлашга даъват этувчи овози янада баландроқ янграйди.

Тошкентдаги республика пионер ва ўқувчилар саройи ёшлар билан доим гавжум бўлади. Бу ерда ҳозир 60 дан ортиқ тўгарак ва клублар ишлаб турибди. Уларга 3,5 мингдан ортиқ ўғил-қиз жалб этилган. Суратларда: [юқорида] Саройнинг директори О. Ж. Ибрагимова ўқувчилар билан. [пастда] «Солнышко» болалар опера студияси томонидан саҳналаштирилган янги спектаклдан бир кўриниш.

А. Усмонов ва Р. Шамсутдинов фотолари. (УзТАГ).

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

РЕВОЛЮЦИЯ ИШИГА САДОҚАТ РУҲИДА

КОБУЛ, 17 май. (ТАСС мухбири). Афғонистон демократик республикаси пойтахтида ҳамда вилоят марказларида назарий курслар ташкил этилди ва семинар ўтказилмоқда. Афғонистон ёшлари халқ ташкилотининг аъзолари шу курслар ва семинарларда ўзларининг сиёсий ва мафкуравий савияларини оширадилар.

Афғонистон ёшлари халқ ташкилотининг бош секретари Б. Шинвари ТАСС мухбирига бундай деди: афғон ёшлари шу курсларда философия, сиёсий иқтисод, илмий социализм асослари билан танишадилар. Ёшларни ишчилар синфи мафкурасига, апрель революцияси мақсадларига садоқат руҳида тарбиялаш ёшлар ташкилотининг ўз олдига қўйган энг асосий вазифаларидан биридир.

Ҳозирги вақтда Афғонистон ёшлари халқ ташкилоти сафларида 250 мингдан ортиқ аъзо бор. Бизнинг ташкилотимиз прогрессив ёшлар ҳаракати билан, биринчи навбатда Совет Иттифоқи комсомоли ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ёшлари билан мустаҳкам алоқа боғлаган.

УГАНДАДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК, 17 май. (ТАСС). ЮПИ агентлигининг хабарига кўра, Уганда озодлик кучлари ва уларга мадад бераётган Танзания қўшинлари мамлакатнинг шимолий қисмида жанг қилиб, Лира шаҳрини ишғол этдилар. Ҳозирги вақтда, дейилади ахборотда, аввалги режимга содиқ бўлиб турётган отрядларнинг қўлида Уганданинг шимолида жойлашган икки катта шаҳар — Гулу ва Аруагина қолмоқда.

КАМПАЛА, 17 май. (ТАСС). Уганданинг янги ҳукумати мамлакатда иқтисодий ҳаётни нормаллаштириш борасида куч-ғайрат сарфлаётир. Уганда экономикасининг негизини ташкил қилувчи қишлоқ хўжалигини юксалтириш мақсадларида экин майдонлари кенгайтирилишини ва ҳосилдорлиги оширилишини кўзда тутувчи бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилди. «Уганда таймс» газетасининг хабарига кўра, деҳқон хўжаликларини жумладан, уруғ, иш қуроли, химиявий ўғит билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Уганда пойтахтида ва мамлакатнинг бошқа бир қанча шаҳарларида автобус қатнови яна бошланиб кетди.

ҲУКУМАТ ПОЗИЦИЯСИ

БАЙРУТ, 17 май. (ТАСС). Уганда президенти Ю. Луле Ливаннинг «Ал-анвар» газетаси мухбири билан суҳбатда бундай деди: Уганда ҳукумати ишсизликни тугатишни, саводсизликка, жаҳолат ва касалликларга қарши қаттиқ кураш олиб боришни, мамлакатни индустриалаштириш учун пойдевор қуришни ўзининг биринчи навбатдаги социал-иқтисодий вазифаси деб ҳисоблайди.

Ю. Луленинг уқтириб айтишича, Уганда ҳукуматининг ташқи сиёсати блокларга қўшилмаслик, ўзаро ҳурмат ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, шунингдек улар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш принципларига асосланади. Шу билан бирга Уганда империализмга қарши йўл тутади ва ирқчи режимларга қарши курашни қўллаб-қувватлайди.

Ю. Луле Яқин Шарқдаги аҳволга тўхталиб Фаластин араб халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақил давлат тузиш ҳуқуқини тан олиш йўли билан Фалаетин проблемасини адолатли тарзда ҳал этган тақдирдагина бу райондаги можаро бартараф қилиниши мумкин, деб уқтириб ўтди.

ИСТЕЪФО БЕРИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 17 май. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетаси хабар беради: АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси Э. Бжезинскийнинг «шиддатли сиёсий қарашлари ва раҳбарлик услубидан» ихлоси қайтган тобора кўп ходимлари истеъфога чиқмоқдалар.

Бжезинский бошчилик қилаётган миллий хавфсизлик кенгашининг 40 нафар ташқи сиёсат мутахассисларидан кейинги бир неча ҳафта мобайнида 7 киши бўшаб кетди ва яқин орада яна бир қанча кишиларнинг истеъфо бериши кутилмоқда. Оқ Уйнинг берган хабарига кўра, куни кеча Яқин Шарқ бўйича эксперт У. Куандт ҳам истеъфо берган.

Спорт

ХАЛҚАРО УЧРАШУВЛАР

Бангладеш волейболчилари республикамизга меҳмон бўлиб келишди. Улар ўтган куни ўзларининг биринчи учрашувларини Тошкент шаҳар терма командаси билан ўтказдилар. Майдон эгалари 3:0 ҳисобида устун келишди. Кеча эса пойтахтимиздаги «Меҳнат резервлари» спорт комплексида Бангладеш волейболчилари пойтахт ёшлар терма командаси билан куч синашдилар.

Меҳмонлар Қўқон ва Наманган шаҳарларида ҳам бўлишиб, маҳаллий волейболчилар билан бир нечта халқаро ўртоқлик учрашувларини ўтказадилар.

ТОШКЕНТЛИК ШАХМАТЧИ ПЕШҚАДАМ

Республика 44-чемпионатида тошкентлик спорт мастери Владимир Егин пешқадамлик қилмоқда. Навбатдаги 10-турда у учинчи ўринни эгаллаб турган самарқандлик Сергей Фокин билан учрашиб, ғалабага эришди ва очколарини саккизтага етказди. Тошкент область вакили Вячеслав Аъзамов ургенчлик Аъзамбоевни мағлубиятга учратиб, 7 очко билан иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Бугун 11-тур ўйинлари ўтказилади.

ЎЗБЕКИСТОН БИРИНЧИЛИГИ... ЛЕНИНОБОДДА

Мана бир неча йилдирки, велотрек бўйича республика биринчилиги мусобақалари Ленинободда ўтказиб келинмоқда. Гап шундаки, ҳамон спортчиларимиз ўз базаларига эга эмаслар. Ўзбекистон XVIII спартакиадаси программаси асосидаги бу мусобақанинг уч турига якун ясалган. 97 очко тўплаган Тошкент шаҳар командаси олдинда бормоқда. Шахсий ҳисобда эса Тошкент области вакили Юрий Дорожков чемпионликка жиддий даъвогарлардан бўлиб турибди.

Редактор ўринбосари Р. УМАРОВ.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

19—20 МАЙ СОАТ 19.30 ДА
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:
Олмахон ХАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Мўътабар ИЎЛДОШЕВА.
Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати Карима УЗОҚОВА.
Солистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Комилжон ИБРОҲИМОВ, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Нуржаҳон САТТОРОВА, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Раҳима РИХСИЕВА, Муҳаббат КУБАНОВА.
Интермедия ва юморда: Абдуфаттоҳ САИДОВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Музыка раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ,
Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ олиб боради.
БИЛЕТЛАР СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛМОҚДА.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 1979—1980 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича универсал-токарь ва универсал-фрезерчи, учиш аппаратларини йиғувчи, механика-йиғув ишлари бўйича слесарь, дурадгор, тунукасоз, слесарь, асбобсоз-слесарь, газ-пайвандчи, слесарь-сантехник.
Ўқиш муддати — 3 йил.
БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШАЙДИГАН 8-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.
Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.
Билим юртини битирганларга ўрта маълумоти тўғрисида аттестат ва эгаллаган ихтисоси тўғрисида диплом берилади.
Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ўқув юртлари ва техникумларнинг сиртқи ва кечки бўлимларига конкурсдан ташқари қабул қилинадилар.
МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.
Ўқиш даврида ўқувчилар заводдаги мавжуд имтиёзлардан фойдаланадилар.
Ҳунар-техника билим юртида спорт майдончалари, тўгараклар, бадиий ҳаваскорлик тўгараги мавжуд.
Билим юртининг соғломлаштириш-спорт лагери Чимён яқинида жойлашган.
Ўқиш даврида ўқувчилар бепул уч маҳал овқат, кийимбош билан, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.
Қуйидаги ҳужжатларни топшириш зарур: ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, 4х5 см. катталикда 8 дона ва 3х4 см. катталикда 6 дона фотосурат.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (29-трамвай, 20, 30-автобусларнинг «Валихонов» кўчаси бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Ф. ХЎЖАЕВ НОМЛИ 1-ТОШКЕНТ ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИ БАЗАСИДАГИ 143-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1979—1980 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ: пойафзалнинг юза қисмини бичувчи, пойафзалнинг юза қисмини тайёрловчи, пойафзал тикувчи, ремонтчи-слесарь, тайёр пойафзални қабул қилиш бўйича контролер, Ўқиш муддати — 2 йил; аёллар сумкасини тикувчи, фрезерчи. Ўқиш муддати — 1 йил.
БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар ва ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 процанти билан таъминланадилар.
МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МАДАНИЙ ХОРДИҚ ЧИҚАРИШЛАРИ УЧУН ПОЙАФЗАЛЧИЛАР САРОЙИДА ҲАР ХИЛ БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ТЎГАРАКЛАРИ, СПОРТ БАЗАСИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари керак: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, ўқиш жойидан характеристика, 3х4 см. катталикдаги 6 та фотосурат.
Қабул комиссияси соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.
Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (84, 103, 122, 131-автобуслар, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «1-Пойафзал фабрикаси» бекати).

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети 196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1979—80 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводи учун қуйидаги ихтисослар бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди: ярим ўтказгичли приборлар ва интеграл микросхемаларни йиғувчи, радиоаппаратура ва приборларни монтаж қилувчи ва регулировкачи, технологик ускуналарни созловчи, токарь, фрезерчи.
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА, ШУНИНГДЕК ШАҲАР АТРОФИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
ЎҚИШ МУДДАТИ: 8-синфни битирганлар учун 3 йил, 10-синфни битирганлар учун бир йил.
Ўрта маълумотли ўқувчиларга 30—45 сўм миқдорида стипендия, 8-синфни битирган ўқувчилар эса тўлиқсиз давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.
Ишлаб чиқариш практикаси даврида барча ўқувчиларга 33 процент иш ҳақи тўланади.
Ўқиш аълочилари билим юртини тугатгандан сўнг, Москва, Ленинград, Тошкент шаҳарларидаги олий ўқув юртлари ва техникумларга ўқишга юбориладилар.
ЎҚИШ ДАВРИ УЗЛУКСИЗ ИШ СТАЖИГА КИРАДИ.
Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан ва ота-онасининг иш жойидан справкалар, 4х6 см. катталикдаги 6 та фотосурат.
Қабул комиссияси ҳар куни билим юрти биносида ва В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводининг кадрлар бўлимида ишлайди.
МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.
МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:
Тошкент шаҳри-5, Ленин райони, Весна кўчаси, 17-уй, 196-техника билим юрти (1, 5-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси», бекати);

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИ ВА РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ОКТЯБРЬ» НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҚУТУБХОНАСИ ҚОШИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИ ВА РАҲБАРЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН

МАХСУС БЎЛИМ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

БЎЛИМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКОНОМИКАСИНИНГ ҲАММА МАСАЛАЛАРИГА ОИД БЎЛГАН 15 МИНГДАН ОРТИҚ КИТОБ ВА 55 ТА НОМДА ЖУРНАЛГА ЭГА.
Бўлим маълум тематика ва конкрет масалаларга оид китоб ва журналларга заказ қабул қилади ва уни вақтинча фойдаланишга қишлоқ, район ёки касаба союз кутубхоналари орқали жўнатади (юбориш ҳаражатлари кутубхона ҳисобидан).
Мутахассисларнинг хоҳиши билан сиртқи абонементга аъзо қилиш мумкин. Бу абонемент бўйича адабиёт бевосита китобхон адресига юборилади.
Колхоз ва совхозлар, район қишлоқ хўжалиқ бошқармалари талабига мувофиқ бўлим кичик кўчма кутубхоналар ташкил этади, янги қишлоқ хўжалик адабиёти, ахборот бюллетенини тузади, шунингдек мутахассисларга тематик тавсия рўйхатларини тузиб, уларни тегишли хўжаликларга жўнатади.
Қишлоқ хўжалик адабиётидан фойдаланиш ҳақидаги барча саволлар билан қуйидаги адресга мурожаат қилингиз: 700002, Тошкент-2 ,Мақсидўзлик кўчаси, 25-уй, область кутубхонаси, Қишлоқ хўжалиги мутахассисларига хизмат қилиш бўлими. Телефон: 44-04-25.
Тошкент область кутубхонаси қошидаги қишлоқ хўжалиги мутахассисларига хизмат қилиш бўлими хизматидан фойдаланинг!

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг 11-«ВИСОТСТРОЙ» ТРЕСТИГА
электр пайвандчилар, арматурачилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, бетончилар, бўёқчилар, сувоқчилар, паркетчилар, облицовкачилар, плиткачилар.
Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади. Қурилиш касбига эга бўлмаганлар «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг ўқув комбинатига қурилиш ихтисослари бўйича ўқишга юборилади.

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА
токарлар, фрезерчилар, йиғувчи-слесарлар, ремонтчи-слесарлар, қолипчилар, прессчилар, электромонтёрлар, газ-электр пайвандчилар, контролёрлар, юқоридаги касбларга ўргатиш учун шогирдлар.
Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
полировкачилар, электромонтёрлар, қолипчилар, токарлар, фрезерчилар, силлиқловчилар, прессчилар, соат бошқарувидаги станокларнинг операторлари, қирқувчилар, юк ташувчилар, инженер-технологлар.
Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:
МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 56-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ—У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 38-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ — Энгельс кўчаси, 89-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ—2-квартал, 3-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ—22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — район ижроия комитети, Совет Армияси майдони.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Вақт. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.35 — Концерт. 10.45 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 4-фильм. 11.35 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 12.05 — Тонгги почта. 12.45 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 13.15 — Спортлото. 13.30 — Здоровье. 14.15 — В. И. Ленин номли пионер ташкилоти туғилган кунга. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Биз тўғровломиз. Бадиий фильм. 16.35 — Талабларингизга биноан учрашувлар. 17.20 — Ҳайвонот оламида. 18.20 — Цирк майдонида. 19.05 — «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 19.50 — Салом, мен холангиз бўламан. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.05 — Камалак. 22.30 — Футбол бўйича Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР — Венгрия терма командалари. 24.00 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

8.45 — В. И. Ленин номли майдон. В. И. Ленин номли пионер ташкилотининг туғилган кунига бағишланган Тошкент шаҳар ўғир қанотли отрядларнинг паради. 10.00 — Фильм-концерт. 10.25 — Юмор. 11.25 — Концерт. 12.05 — Ўзбекистон спорти. 12.35 — Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи заллари бўйлаб. 18.20 — Концерт. 19.00 — Ота-оналар университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 20.00 — Менинг огам рус бўлур. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Пойтахтимиз меҳмонлари. 21.30 — Вақт. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35—Премия. Бадиий фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.20 — Душанба кўрсатувлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/V да. Сўғд элининг қоплони, 20/V да Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи (12.00). Бир антли балетлар (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/V да Шошма, қуёш! 20/V да Келинлар қўзголони (12.00), Соқов рицарь (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/V да Қизил дуррали нозик ниҳолий, 20/V да Паранжи сирлари (12.00), Тошкентнинг нозанин маликаси (19.00).

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги «ГлавМИКРОБИОПРОМ» СССР халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг «МИКРОБИОЛОГИЯ САНОАТИ» ПАВИЛЬОНИ «ОНТИТЭИМИКРОБИОПРОМ» ЎЗБЕКИСТОН ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ТЕХНИКА УЙИ 22—24 май кунлари соат 10.00 да «МИКРОБИОЛОГИЯ САНОАТИ — ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИГА» деган мавзуда ИЛМИЙ-ТЕХНИК КЎРГАЗМА-СЕМИНАРИНИ ЎТКАЗАДИ
Кўргазма-семинар Техника уйи биносида қуйидаги адресда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 48-уй.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент, —П, ЛЕНИН кўчаси, 41, Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар —334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 02939. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64633. Е—2395.